

Шарждада Қуръонга оид янги ишлар намойиш этилди



13:31 / 11.11.2018 2617

Шарждада бўлиб ўтаётган 37-халқаро китоб ярмаркаси доирасида Қуръон тадқиқотлари ва Қуръон илмий мўъжизаси ва пайғамбарлик анъаналари соҳасида китобларнинг 113 боби тақдим этилди.

Бугун «Ҳарфлар тарихи» номи остида 31 октябрдан бери Шарждада ўтказилаётган 37-халқаро китоб ярмаркаси ўз ишини якунлайди. Унда дунёнинг 77 та мамлакатидан 1874 нафар китоб чиқарувчилар штирок этишди.

alwatannewspaper нашрига иқтибосан iqna агентлиги хабар беришича, Дубай Муқаддас Қуръон халқаро мукофоти ярмарка ишида китобларнинг 113 боби билан фаол иштирок этмоқда.

Дубай ҳукмдорининг маданий ва инсонпарварлик ишлари бўйича маслаҳатчиси ва Дубай Муқаддас Қуръон халқаро мукофоти Ташкилий қўмитаси раҳбарининг сўзларига кўра, илк бор араб тилида иккита китоб тақдим этилган: «**بئارغل اعمجم**» و «**هوضلا ةردلا**». Иккинчи китоб 6 жилддан иборат тўпламни ўзида намоён қилади. Шунингдек охириги йиларда бўлиб ўтган Дубай Муқаддас Қуръон халқаро мукофоти халқаро мусобақалар, семинарларга тегишли аудио-ва видеоматериалларнинг тўпламлари ҳам тақдим этилган.

Islom.uz портали таҳририяти